

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

«ТАСДИҚЛАНГАН»


Тошкент шаҳар Яшнобод туман
Давлат хизматлари Маркази

2018 йил «26» 04

04-000046

- рақам билан

М.Ў.



Chet el investitsiyasi ishtirokidagi
«Toshkentvino kombinati» aksiyadorlik jamiyati
aksiyadorlarining 2018 йил 27 июндаги
Умумий йиғилиши қарори билан



Chet el investitsiyasi ishtirokidagi «Toshkentvino kombinati» aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

(янги таҳрири)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Chet el investitsiyasi ishtirokidagi «Toshkentvino kombinati» aksiyadorlik jamiyati, (кейинги ўринларда матнда "Жамият" деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 1994 йил 30 сентябрдаги 634к-ПО сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: Chet el investitsiyasi ishtirokidagi "Toshkentvino kombinati" aksiyadorlik jamiyati;

кирилл ёзувида: Чет эл инвестицияси иштирокидаги "Тошкентвино комбинати" акциядорлик жамияти.

Рус тилида:

Акционерное общество с иностранными инвестициями "Тошкентвино комбинати".

Инглиз тилида:

Joint stock company with foreign investment "Toshkentvino kombinati".

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: ChEI «Toshkentvino kombinati» AJ.

кирилл ёзувида: ЧЭИИ "Тошкентвино комбинати" АЖ.

Рус тилида:

АО ИИ "Тошкентвино комбинати".

Инглиз тилида:

JSCFI "Toshkentvino kombinati".

1.5. Жамиятнинг манзили:

жойлашган манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 45-уй.

почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 45-уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: tashvino@mail.ru.

Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.tashkentvino.uz.

1.6. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.7. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондида (бундан буён матнда устав капитали деб юритилади) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.9. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида

қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.10. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

1.11. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.13. Жамият томонидан ҳомийлик ва бошқа бегараз ёрдамларни кўрсатиш, агар ўтган молиявий йил учун белгиланган бизнес режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда, ўтган йил якуни бўйича олинган соф фойдасининг 10 фоизидан ортиб кетмайдиган миқдорда амалга оширилиши мумкин.

1.14. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.15. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.16. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.17. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

1.18. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

1.19. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган жамият зиммасида бўлади.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

2.2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари):

- * спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, сотиш ва экспорт қилиш.

2.3. Жамият ўзининг юқоридаги асосий йўналишларини бажариш билан биргаликда қўйидаги фаолиятлар билан қўшимча равишда шуғулланади:

- * яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

- * халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- * фармацевтик, парфюмерия косметика буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва сотиш;

- * ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва сотиш;

- * инвестиция, ташқи иқтисодий, илмий проектлаш, воситачилик, қурилиш монтаж ишлари, сервис хизмати кўрсатиш;

- * янги технологияларни, НОУ-ХОУларни ишлаб чиқиш, жорий этиш;

- * хорижий мамлакатларда савдо уйлари очиш;

- * ташқи иқтисодий фаолият, экспорт ва импорт операцияларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга ошириш;

- * аҳоли ва корхоналарга транспорт хизматларини кўрсатиш;

- * транспорт воситаларини, бино-иншоотларни ижарага бериш;

- * халқаро ва маҳаллий йўналиш бўйича ҳамда шаҳарлараро юк ташиш;
 - * қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, консервация қилиш, улгуржи ва чакана савдо қилиш;
 - * қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фаолиятлар билан шуғулланиш.
- 2.4. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қилувчи фаолият турлари ушбу рухсатномаларни олгандан кейингина амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 7 482 160 000 (етти миллиард тўрт юз саксон икки миллион бир юз олти миш минг) сўмни, ёки 4378297,40 АКШ долларини ташкил этади.

3.3. Жамиятнинг 7 482 160 000 сўмлик устав капитали ҳар бирининг номинал қиймати 4 000 сўмдан бўлган 1 870 540 дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

3.4. Жамиятнинг устав капитали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда кўпайтирилиши мумкин.

3.5. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.6. Жамият устав капиталини кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда номинал қиймати 4000 сўм бўлган 16 834 860 дона оддий акцияларни (эълон қилинган акциялар) жойлаштириш ҳуқуқига эгадир.

Эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида чиқарилаётган оддий акциялар жамият барча акциядорлари ўртасида ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Бунда ҳар бир акциядорга унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

3.7. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.8. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли.

3.9. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставда чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

3.10. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

3.11. Жамиятнинг акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни қўшимча акцияларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

3.12. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, Жамиятнинг акцияларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

3.13. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

3.14. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг

эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

3.15. Жамият рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати ўтган кундан кейин қонунчиликда белгиланган муддатда, агар барча қимматли қоғозлар ушбу муддат ўтишидан олдин жойлаштирилган бўлса – ушбу чиқаришдаги сўнгги қимматли қоғозни жойлаштириш кунидан кейин қонунчиликда белгиланган муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномани тақдим этади.

3.16. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади (қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно).

Жамиятнинг устав капитални камайтириш

3.17. Жамиятнинг устав капитални акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисmini кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.18. Агар устав капитални камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капитални камайтиришга ҳақли эмас.

3.19. Устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ (ОДДИЙ)

4.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган оддий эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - жамият акциядори деб эътироф этилади.

4.2. Жамият акцияларининг сони 1 870 540 донга эгаси ёзилган оддий акциялар бўлиб, ҳар бирининг номинал қиймати 4 000 сўмдир.

4.3. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисmini дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улусга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисmini олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.2. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайддан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

5.3. Акциядорлар:

- амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда назарда тутилган тартиб, миқдор ва усулларда акцияларга ҳақ тўлашга;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Уставда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этишга;

- жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик мажбуриятларига эга.

5.4. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

VI. ЖАМИЯТНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯЛАРИГА ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

6.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.5. Жамият амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.7. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

6.8. Агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса, жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

6.9. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

6.10. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.11. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш

ҳукукига эга.

6.12. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

6.13. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

6.14. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, туккиз ойлиги, ва молиявий йил натижаларига кура жойлаштрилган акциялар буйича дивидендлар тулаш тугрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.15. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қилади.

6.16. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳукуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

VII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

7.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни ташкил этади.

7.2. Жамият устав капиталининг 15 фоизи миқдорда жамият захира фонди тузилади.

7.3. Жамиятнинг захира фонди ушбу Уставнинг 7.2-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан 5 фоизи миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

7.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

7.6. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

7.7. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

7.8. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав капиталидан оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав капиталини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиради.

7.9. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати жамият устав капиталининг Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзининг тугатилиши ҳақида қарор қабул қилади.

7.10. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари жамиятни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли.

VIII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

8.1. Жамият бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бош директор).

IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказишга мажбур.

9.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан буён матнда бош директор деб юритилади) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш тўғрисидаги ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

9.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини

эшитиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш;
- жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш.

9.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.10. Мазкур Уставнинг 9.8-бандидаги қуйидаги масалалари бўйича:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш;
- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.11. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилади:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилатганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

9.14. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.15. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони (камида уч кишидан иборат бўлиши керак) ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

9.16. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.17. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар икки иш куни ичида, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

9.18. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

X. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- жамият номидан ижроия органи раҳбарини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузиш;
- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;
- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини (агарда жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда) қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият Ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш.

10.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.

10.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

10.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

10.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

10.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

10.9. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

10.10. Жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги Ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

11.3. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

11.4. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият Бош директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин. Бош директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

11.5. Бош директорга тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

11.6. Бош директорнинг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.7. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.8. Бош директорнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- штатларни тасдиқлаш, жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

11.9. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

11.10. Бош директор қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

11.11. Бош директор мазкур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

ХП. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

12.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

12.2. Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айти бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

12.3. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

12.4. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

12.5. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

- молиявий ҳужжатларни ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини текшириш;
- бухгалтерия ва статистик ҳисобларни амалдаги норматив ҳужжатларга муносиблигини таҳлил қилиш;
- молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятида ўрнатилган норматив қоидаларга ва давлат стандартларига риоя қилинаётганлигини текшириш;
- жамиятнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, унинг тўлов қобилиятини, жамиятнинг иқтисодий ҳолати яхшиланишига резервларни таъсирини таҳлил қилиш;
- солиқ инспекциясини, статистик ва бошқа давлат бошқаруви органлари учун тузилган баланс, ҳисобот ҳужжатларини тўғрилигини текшириш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, қарорлар жамиятнинг ҳужжатларига, яъни амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлар талабларига тўғри келмасликлари аниқланганда таклифлар киритиш;
- жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, жамият ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан текширув мобайнида пайдо бўладиган масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар олиш;
- жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, жамият ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларига аниқланган қоидабузарликлар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериш, агарда бундай чораларни кўрмаслик қимматликларнинг, ҳужжатларнинг йўқ бўлишига ёки келгусидаги суистеъмолчилик ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлса;
- жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини, жамият кузатув кенгаши мажлисларини ўтказилишини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда талаб қилиш;
- жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, жамият алоҳида бўлинмалари ва жамият ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларидан жамиятнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текширилишини ўтказиши учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш;
- жамият бошқарув органлари мансабдор шахсларига жамият ходимлари, шу жумладан жамият бошқарув органлари мансабдор шахсларига нисбатан агарда улар томонидан жамият Устави ва жамият ички ҳужжатлари қоидалари бузилган бўлса, интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш тўғрисидаги масаласини кўриб чиқишга киритиш.

12.6. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

12.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг

ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

12.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

12.9. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

12.10. Уставнинг 12.8-бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган жамият тафтиш комиссияси хулосаси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади

б) Жамиятнинг ички аудит хизмати

12.11. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

12.12. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

12.13. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

12.14. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

12.15. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

12.16. Жамиятда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда танлов асосида амалга оширилади.

XIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

13.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

13.3. Ушбу Уставда акс этирилмаган масалалар (қоидалар) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

13.4. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

ChEP «Toshkentvino kombinati» AJ
Бош директори



М.А. Махмудов